


«Тасдиқлайман»

Урганч туман мактабгача

таълим бўлими мудир



М.У

О.М.Пирназаров

Буюртмачи

Хоразм вилояти Урганч тумани МТБ га қаршли МТТ ларга Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 октябрда “2022–2023 йилларнинг киш-бахор
мавсумида аҳоли ва ижтимоий соҳа муассасаларининг асосий турдаги кишлоқ хўжалиги
маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги
587-сонли қарорининг ижроси

Танлов хужжатлари

Урганч туман.

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИКНОМАСИ

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунига асосан рўйхатдан ўтказилган тартиби асосида ишлаб чиқади.

1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1 Хоразм вилояти Урганч тумани МТБ га қарашли МТТ ларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 октябрда “2022–2023 йилларнинг киш-баҳор мавсумида аҳоли ва ижтимоий соҳа муассасаларининг асосий турдаги кишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 587-сонли қарорининг ижроси таъминлаш

1.2 Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан 10 кун.

2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1 Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти Урганч туман мактабгача таълим бўлими бундан кейин («Буюртмачи» деб аталади)-танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

2.2 Танлов «Буюртмачи» томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3 Танлов Урганч туман мактабгача таълим бўлими биносида «Буюртмачи» томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1 Танлов мулчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2 Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади.

-Танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридagi айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомула ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз қучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида ўз қучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган ҳажми;

- низом маблағ миқдори.

3.3 Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан литцензиялаштирилиши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли литцензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4 Қуйидаги талабгорларга танлов жараларида иштирок этишга рухсат берилмайди;

Қайта ташкил этилиши (ажратилиши,қўшилиш) тугатиш ёки банкротлик арафасида турганларга;

-мол-мулки мусодара қилинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлиги.

3.5 Танлов иштирокчилари талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха ҳужжатлари, хусусан лойихалаш графиги қисми (чизмалар) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифни тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) (тақдим этилиши ҳақида мувожабат қилишга ҳақлидирлар.

4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар уз таклифларини электрон кўринишда (etender.uztx.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириши керак.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов ҳужжатларида қуйдагилар тақдим этилиши лозим.

- Техник қисм. "Буюртмачи" томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак:

- Нархлар қисми. Танлов шартлари даб белгиланган нархлар доирасида хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник таклиф. Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва мухрланган ҳолда:

4.5. Танлов иштирокчиси:

- фақат бита таклиф бериши мумкин:

-тақдим этилаётган ҳужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларни хаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади.

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар уз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОҢЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларни бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибга солиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ҳолиб иштирокчи деб топилгандан сунг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. Бошқа шартлар

6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдинги қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йул қўймайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларини ўзгартиришлар киритилган санадан этиборан ўн кун узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, ҳужжатларда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказишдаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда берилган тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушгандан этиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар маскур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориш шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун мохиятини ўзгартирмаслик керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари тамонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан этиборан махсус ахборот ёрдамида эълон қилинади.